Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925 yildan chiqa boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002-yil 30 aprel, seshanba
№ 53 (14544)

«KAMOLOT» hududi

ЁШЛАР МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Ҳар бир жамиятда, ҳар бир мамлакатда ёшлар масаласи ҳамиша алоҳида аҳамият касб этган. Ёшларнинг маънавий камолоти, дунёқараши, келажакка муносабати, замонавий билимларни нечоғлик эгаллаганликлари шу мамлакат, шу миллатнинг тақдирини белгилайди. Ёшлар масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ҳам бежиз эмас. Демак, шундай экан, ёшларни тарбиялаш, уларни жамиятнинг маърифатли кишисига айлантириш умумдавлат ва умумжамият аҳамиятига молик вазифадир.

Ёшлар билан боғлиқ муаммолар бозор муносабатларига ўтиш даврида кўпайиб, янада мураккаблашиб бормоқда. Ёшларнинг турли қатламларида маънавий-мафкуравий муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаси ҳисобланади. Шу мақсадда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ёшлар муаммолари институти томонидан Тошкентда "Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими: ҳолат ва истиқбол" мавзусида иккинчи республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Бу муаммоларни ҳал этиш бугунги кун ёшларининг келажакда жамиятимизнинг муносиб, етук кишиси қилиб тарбиялашдек ўта масъулиятли ва шарафли иш эканлиги анжуманда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Анжуманни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев очиб берар экан, жумладан шундай деди:

— Янги ижтимоий-сиёсий муҳитда ёшлар муаммоларини ўрганиш, уларнинг ечимини топиш, ёшлар Ҳаракатини ривожлантириш масалаларида ижобий натижаларга эришишнинг энг яхши йўли Ўзбекистонда аввало ёшлар муаммоларига оид илмий-амалий институтлар, тадқиқот марказлари, илмий лабораторияларни ташкил этишдир. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ўзининг кейинги фаолиятида юртимизда илмий изланишлар олиб бораётган олимларимиз, иқтидорли тадқиқотчиларимиз тавсия этган илмий-амалий хулосаларга, аждодларимизнинг тарихан бой анъаналарига, шунингдек, бозор муносабатлари сиёсати орқали жадал тараққиётга эришган, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларига таяниб иш юритиш орқали ёшларнинг ҳақиқий таянчига айланишни мақсад қилган. Бу мақсадни тўлақонли амалга ошириш учун барча имкониятлар, шарт-шароитлар мавжуд. Бугун "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шундай улуғ мақсад йўлида изчил изланишларни давом эттирмоқда. Миллатимизнинг тақдирини, Ватанимизнинг истиқболини бизнинг ёш авлодга бўлган муносабатимиз, эътиборимиз белгилаб беради. Бу масалада лоқайдликка йўл қўйиш асло мумкин эмас. Чунки, ёшлар муаммолари бу миллат муаммоси, ҳаётмамот масаласидир.

Республикамизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридан ёшлар муаммолари билан шуғулланадиган мутахассислар, олимлар, талабалар, Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари етакчилари, шунингдек, давлат ва нодавлат жамоат ташкилотлари вакиллари ва бошқа меҳмонлар анжуманда иштирок этишди.

(Давоми 2-бетда)

ЯНГИ НОМЛАРНИ КАШФ ЭТМОҚДА

Фарғонада мамлакатимиз умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида биринчи марта ўтказилаётган ушбу мусобақалар жуда катта хурсандчилик, шодиёналарга айланиб кетди. Бемалол айтиш мумкинки, 24 апрелдан буён ҳамиша навқирон ва гўзал, хушмуомалали, ширинсухан ва меҳмондўст Фарғона байрам кайфияти билан яшамоқда. Айниқса, мусобақалар ўтказилаётган Фарғона, Марғилон шаҳарлари, Қиргули, Тошлоқ, Фарғона туманларида ўзгача тароват ҳукмрон. Умуман, мусобақалар бошланиши арафасида, байрам бошлангандан буён бутун Фарғона аҳли ушбу байрамни ҳар томонлама қизиқарли ва ибратли ўтиши учун ўзига хос хайрихоҳлик кўрсатмоқдалар. Боиси "Умид ниҳоллари — 2002" тарих саҳифаларида мамлакатимизда илк маротаба Фарғона вилоятида ўтказилганлиги билан ҳам эсга олиниши фарғоналиклар кўнглини фахр ва ифтихор туйғуларига тўлдираётир. Шу боис ҳам бундан буён ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиши режалаштирилаётган ушбу мусобақаларга Фарғонада мустаҳкам пойдевор қўйилмоқда, десак асло муболаға бўлмайди.

"Умид ниҳоллари — 2002" янги номлар, ғолиблар, чемпионларни кашф этмоқда. Мусобақалар ғолиблари вақти-соати келиб, нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришлари аниқ. Шу кунларда Фарғонада мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, пойтахтимиз — Тошкент шаҳрида ўтказилган мазкур мусобақаларнинг дастлабки босқичларида ғолиб чиққан 1918 нафар мактаб ўқувчилари спортнинг 11 тури бўйича мусобақаларнинг республика босқичи ғолиблигини қўлга киритиш учун астойдил беллашмоқдалар.

Рамил МУФТЯЕВ — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори:

— Қувончлиси, мамлакатимизда биринчи марта ўтказилаётган "Умид ниҳоллари — 2002" мусобақаларида ўқувчиларимиз вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Кураш бўйича Қашқадарё вилояти жамоаси биринчи ўринни эгаллаганини фахр билан айтиб ўтиш мумкин. Умид қиламанки, ҳали кўп соҳалар бўйича вилоятимиз ёшлари биринчиликни қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қиладилар.

Зумрад МЕЛИБОЕВА:

— Мен Фарғона вилоятининг чегара ҳудуди ҳисобланувчи Ўзбекистон туманида истиқомат қиламан. Гапнинг очиғи, биз томонларда спорт билан шуғулланиш учун ҳали етарли шароитлар йўқ. Аммо муҳими бу эмас. Муҳими ҳоҳиш, иштиёқда. Агар ният қатъий бўлиб, астойдил интилсанг, ҳамма орзуингга эришиш мумкин экан. Кейинги йилларда биргина Ўзбекистон туманининг ўзидан кўплаб спорт турлари бўйича мамлакатимиз чемпионатлари ғолиблари, кўплаб халқаро турнирлар иштирокчилари етишиб чиқмоқдалар. Шахсан ўзим кўп йиллардан бери узунликка сакраш спорт тури билан шуғулланаман. Бир қарашда бу спорт тури жуда осондек туюлиши мумкин. Лекин ҳамма турда бўлганидек, бу турда ҳам ўзига яраша қийинчилик, машаққат бор. Мен машғулотларда мунтазам равишда ўз устимда ишлайман. Жумладан, энди Республика миқёсида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаяпман. Инсонга бундан ортиқ бахт борми?

Нигора АМИНОВА:

— Мен ушбу мусобақаларда иштирок этаётган қизимнинг ўйинларини кўриш учун атайлаб Наманган вилоятидан келиб, барча ўйинларни томоша қиляпман. Ҳақиқатдан ҳам бугунги ёшлар бутунлай янгича оламнинг болаларига айланиб улгуришибди. Улардаги ирода, ўзаро аҳиллик, юқори натижаларга интилиш иштиёқини кўриб, тан бермай иложингиз йўқ.

Ботир ОМОН,
Фарғона вилояти

ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

Боёвут туманидаги "Нодира" номли кутубхонаси ташаббуси билан ташкилотлараро "Ўз касбининг устаси" мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

Тадбир ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг маънавий онгини ўстириш ва ёшларимизни ўз касбига бўлган иштиёқини ошириш мақсадида ташкил қилинди. Кўрик-танловда туманнинг турли ташкилот ва корхоналаридан ташриф буюрган 6 нафар ёшлар 5 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Танлов натижаларига кўра Абу Али ибн Сино номидаги лицей интернати бошланғич ташкилоти етакчиси Сабоҳат Ўрозова ғолиб деб топилди ва ташкилий қўмита таъсис этган эсдалик совғалар билан тақдирланди.

М. ОРЗИҚУЛОВ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бўстонлиқ туман Кенгаши ташаббуси билан туман Болалар ташкилоти етакчиларининг ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда Кенгаш раисининг биринчи ўринбосари Д. Алимов, вилоят Болалар ташкилоти раиси М. Жамолиддинова, Бўстонлиқ туман ҳокимлиги, Халқ таълими Маънавият ва маърифат бўлими, умумтаълим мактаб етакчилари ҳамда Болалар ташкилоти аъзолари иштирок этишди. Иқтидорли ёшларнинг Ҳаракат фаолиятига билдирган фикр-мулоҳазалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ҳилола АБДУРАЗЗОҚОВА

ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Эрон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ҳотамий 27 апрель куни Ўзбекистон Бош Вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Фанлар академиясида бўлиб, олимлар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан учрашди. "Цивилизациялар мулоқоти ва Шарқнинг ривожланиши" мавзуида маъруза қилди.

Муҳаммад Ҳотамий мамлакатимиз илм аҳли эришаётган ютуқларга юксак баҳо берар экан, икки давлат олимлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. Зеро, қадимдан ёнма-ён яшаб келаётган икки халқнинг тарихий, маданий ва маърифий бойликлари жаҳон тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон Бадиий академиясига ҳам ташриф буюрди. У Ўзбекистон ва Эрон миниатюра санъатининг бу ерда ташкил этилган илк кўргазмаси икки мамлакат маданий алоқаларидаги муҳим воқеа эканини таъкидлади.

Кўргазмага Эрондан Ф.Муҳфарид, М.Ҳунаркор, А.Таҳмосбий, Ўзбекистондан эса Ш.Муҳаммаджонов, А.Йўлдошев, Ш.Шоаҳмадов каби рассомлар қаламига мансуб суратлар қўйилган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Муҳаммад Хотамий Ўзбекистон-Эрон маданий алоқалари ривожига муносиб ҳисса қўшган ўзбекистонлик бир гуруҳ шарқшунос олим ва адибларга махсус мукофотларни тақдим этди. Шоислом Шомуҳаммедов, Нажмиддин Комилов, Аҳмад Абдуллаев, Жамол Камол, Асқар Маҳкам каби ижодкорлар Эрон ҳукуматининг ана шундай эътиборига сазовор бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида Муҳаммад Ҳотамий бошчилигидаги Эрон делегацияси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳамроҳлигида Бухорога йўл олди.

У ерда шаҳарнинг қадимий меъморий обидаларини зиёрат қилди.

— Бухоройи Шариф аслида мустақил Ўзбекистоннинг бир шаҳри, - деди Эрон Президенти журналистларга берган интервьюсида. - Лекин у ҳозир бутун башарият мулкига айланган. Ҳадис илмининг султони Имом Ал-Бухорий шу муқаддас заминда таваллуд топган. Буюк табиб ва файласуф Ибн Синонинг ҳам киндик қони шу ерга тўкилган. Бухоро, булардан ташқари, яна жуда кўплаб буюк инсонларга Ватан бўлган юрт. Бу гўзал ва қадимий шаҳар зиёратидан олган таассуротларим кутганимдан ҳам зиёда бўлди.

28 апрель куни эса Эрон Президенти Самарқандда "Фарм Доктор Обидий" Ўзбекистон-Эрон-Англия қўшма корхонасининг очилиш маросимида иштирок этди. Эронлик ишбилармон Обидий билан ҳамкорликда бунёд этилган бу корхона 26 турдаги антибиотик дори, ойига миллион донагача бир марта ишлатиладиган шприц, турли хил атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятига эга. Корхона ишга тушиши билан икки юзга яқин одам иш билан таъминланди.

Шунингдек, олий мартабали меҳмон Эрон Қизил яримой жамияти томонидан ташкил этилган "Панжоб" поликлиникасининг очилиш маросимида иштирок этди. Самарқандниг довруғини дунёга таратган кўҳна меъморий обидаларни зиёрат қилди.

Шундай қилиб, Эрон Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Таъкидламоқ жоизки, меҳмонлар бу ташрифни ўзаро муносабатлардаги бурилиш нуқтаси, деб атади. Бунга асос етарли. Тошкентда Ўзбекистон раҳбарияти билан ўтказилган музокаралар ниҳоясида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлар имзоланди. Самарқандда эса ўзаро алоқалар ривожини намоён этадиган янги қўшма корхона ва тиббий муассаса ишга тушди. Мамлакатларимиз халқлари келгусида ўзаро ҳамкорликнинг бундай ютуқларига жуда кўп бор гувоҳ бўлишига шубҳа йўқ.

(ЎзА)

XXI аср ёшлари

ДУГОНАЛАР

Сюзанна ва Виктория айни бир йилда, Ер юзининг икки четида дунёга келди. Бири Америкада ўсиб-улғайди, иккинчиси эса Ўзбекистонда туғилиб,ўз ҳаёт йўлини мана шу ердан бошлади. Тенгдошларни бирлаштирган нарса Самарқанд замини, мусиқага муҳаббат, фикр ва қалбларнинг ҳамоҳанглиги бўлди.

Улар ҳали бир-бирининг тилини яхши тушунмай турибоқ, ўзаро уйғунлик ва руҳий яқинликни ҳис этишди. Бинобарин, уларнинг танишуви ва дўстлиги тарихи батафсил ҳикоя қилишга арзигуликдир.

Самарқанднинг осуда кўчаларидан бирига АҚШдан бир оила кўчиб келгани ҳақидаги хабар ёнатрофдаги қўшниларга тез тарқалди. Янги кўчиб келган оила билан девор-дармиён қўшни бўлган Салимовлар хонадони уларни меҳмонга таклиф этишга қарор қилди. Асрий анъаналаримиз шуни тақозо этади - узоқдан кўчиб келган, бундан кейин кўп йиллар давомида сиз билан ёнма-ён яшайдиган одамларга шарқона меҳмоннавозлик, ҳурмат-эътибор, иззат-икром кўрсатиш лозим. Сир эмас, яқин ўтмишда чет эллик кишини уйга таклиф этиш у ёқда турсин, бу ҳақда ўйлашнинг ўзи ҳам жиноят бўлиб туюлиши мумкин эди. Виктория ҳам, унинг ота-онаси Абдували Салимович ва Екатерина Ильинична ҳам ўша яқин кечмишга хос бундай қўрқувдан бутунлай халос бўлган.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Сюзанна Фетнинг ёзган хатидан:

"Мен Ўзбекистонга 2000 йилда АҚШнинг Огайо штатидан оилам билан кўчиб келдим. Қўшнилар билан танишар эканман, айниқса Виктория менга жуда ёқиб қолди ва мен у билан дўст тутиндим. Биз тенгдошмиз. Қизиқишларимиз ҳам бир хил. Оиламиз билан уларникига биринчи марта меҳмонга борганимизда бир-биримизнинг тилимизга умуман тушунмаган эдик. Дастлаб, худди товушсиз кинолардагидек, имо-ишора билан фикр алмашганмиз. Ҳозир эса биз Вика билан яқин дугонамиз. АҚШда бизнинг тўрт қиздан иборат "BASK" деб аталадиган гуруҳимиз бор эди. Бу ерда Виканинг ҳам ўз гуруҳи бор экан. У "Ҳар доим Виктория" деб номланади. Гуруҳ аъзолари ўзлари мусиқа басталаб, ўзлари қўшиқ куйлайди. Мен бу ерда, Ватанимдан узоқда шундай дугона топганимдан ғоят хурсанд-мусиқани жуда яхши кўрамиз. АҚШда бизнинг тўрт қиздан иборат "BASK" деб аталадиган гуруҳимиз бор эди. Бу ерда Виканинг ҳам ўз гуруҳи бор экан. У "Ҳар доим Виктория" деб номланади. Гуруҳ аъзолари ўзлари мусиқа басталаб, ўзлари қўшиқ куйлайди. Мен бу ерда, Ватанимдан узоқда шундай дугона топганимдан ғоят хурсанд-ман. Вика мусиқа коллежининг фортепиано бўлимида таҳсил олади. У менга фортепиано чалишни ўргатади, мен эса унга гитара чалишни ўргатаман. Биз жуда кўп вақтимизни бирга ўтказамиз: меҳмонга, концертга бирга борамиз, шаҳарда ўтказиладиган турли маданий тадбирларда бирга қатнашамиз"

Келинг, энди Вика ва онаси ўз ҳаяжонларини яширолмай, янги қўшниларни меҳмонга таклиф этган ўша февраль кунларига қайтайлик. Сюзаннанинг отаси Жеймсом Фэт (маълум бўлишича, у Самарқандда ўз бўлимига эга бўлган Ҳамкорликдаги тараққиёт халқаро ассоциациясида мувофиқлаштирувчи бўлиб ишлар экан) уларни илиқ қарши олди. Жеймсом ва унинг дилбар рафиқаси Синди Фэт таклифни бажонидил қабул қилишди. Улар Ўзбекистонга уч қиз - тўнғичи - Анна, ўртанчаси - Сюзанна (у сентябрь ойида ўн саккиз ёшга тўлади), кенжатой - Лидия ҳамда шўх болакай Натениэлдан иборат барча фарзандлари билан бирга келган эди.

— Мен дастлаб меҳмонга боришни хоҳламагандим, - деб хотирлайди жозибали чеҳрасидан табассум аримайдиган Сюзанна. - Ахир, биз бир-биримизга етти ёт бегона бўлсак, боз устига, бир-биримизнинг тилимизга мутлақо тушунмасак, қандай қилиб борамиз, борганимизда ҳам қанақа қилиб гаплашамиз, дея ўйланиб қолдим. Шунда синглим Лидия гап қотиб қолди: "Ўша уйда мусиқага қизиқадиган бир қиз яшар экан. Балки сен у билан дўст тутинарсан".

(Давоми 2-бетда)

БИЗ КИММИЗ?

МУНОСИБ ВОРИС БЎЛИШ УЧУН

Мустақиллик маънавияти инсонни янгилайди, яшартиради, улуғлайди ва қалбини ғуборлардан халос этади. Бизнинг тириклигимиз, яшашимиз моҳияти ҳам ана шу муқаддас тушунчалар билан уйғунлашган.

Фахр билан таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мустақиллик тушунчаси жамиятимизда яшаётган ҳар бир кишининг эътиқодига, ор-номусига, шаъни ва ғурурига айланиб улгурди. Мадҳиямизни юракларни жунбушга келтириб айтаётган ёшларимизни кўриб, ҳаяжондан кўзларимга ёш тўлади.

Мамлакатимизда ватанпарвар ва фидойи авлод улғайиб вояга етди. Бугун улар санъат, адабиёт, спортда нималарга қодир эканликларини амалда кўрсатиб, Ўзбекистонимиз довруғини дунёга ёяяптилар. Ёшларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Айни замонда биз зиёлилар алломаларимиз Амир Темур, Ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Бобурларнинг дунёни ҳайратга солган мероси билан фахрланамиз. Аммо масаланинг иккинчи жиҳати бор, биз уларга муносиб фарзанд бўла олаяпмизми? Келажак авлод олдидаги бурч ва масъулиятимизни ҳар биримиз юракдан ҳис этиб, иштўхталиб ўтгандилар. Ҳар бир олим, зиёли кашф этаётган ғоя, ёзаётган китобнинг илмий салоҳияти келажак авлодлар учун ҳам хизмат қилиши лозимлиги уқтирилганди. Дарҳақиқат, бугунги кунда олимларимизга фаннинг у ёки бу соҳасида кашфиёт қилишлари учун кенг имкониятлар уфқи очиб берилган. Биз зиммамиздаги ана шу масъулиятни ҳар лаҳзада ҳис этиб яшамоғимиз керак.

Ўтган асрнинг бошларига назар ташлайдиган бўлсак, маърифатпарварларимиз ўз ҳисобидан мактаб қурдирган, дарслик, қўлланма адабиётлар нашр этган, қисқаси миллатни ойдин кунларга олиб чиқиш армони билан ёниб яшаган. Биз улардан ҳар қанча ибрат олсак арзийди. Мустақиллик аждодларимиз анъаналаяпмизми? Келажак авлод бизларнинг уларга қолдирган қандай илмий, маданий ва маънавий меросимиз билан фахрланиши мумкин? Президентимиз Ислом Каримов олимларимиз билан учрашувда мазкур масалалар ҳақида ларини давом эттиришга имконият туғдираяпти, десак муболаға бўлмайди. Бугун дориломон замонда яшаяпмиз. Ўз эркимиз ўз қўлимизда. Бемалол яйраб, яшнаб, ёниб ишлайдиган, ижод қиладиган замон келди-ку, ахир. Бу кунлар аждодларимиз орзусидаги ёруғ кунлар эмасми? Биз шу кунларнинг ҳар бир дақиқасини қадрига ета олаяпмизми?

Мустақиллик — бу бурч, масъулият, ташаббус, янгиликка интилиш демакдир. Бошқача қилиб айтганда, Ватан учун хизмат қилиш демакдир.

Яна бир масала, бугунги кунда жамиятимиздаги одамлар мустақиллик туфайли бокимандалик, қарамлик, фикрсизлик касаллигидан фориғ бўлаяпти. Аксарият ҳолларда орамизда ана шу иллатларга хайрихоҳ бўлган бир-икки киши бўлса-да топилади. Биз ана шундайлардан эҳтиёт бўлишимиз даркор. Зеро, ҳозирда одамларимиз тор қолиплардан чиқиб, кенг миқёсда фикрлаяптилар.

Қисқаси, ҳар бир ёш йигит-қизларимиз аждодларимизга муносиб ўз қобилиятини амалда намоён этишининг фурсати етди. Буни ёшларимиз англаб етмоқдалар, албатта.

Одил БОБОЕВ,
Қарши педагогика ижтимоий-иқтисодиёт коллежи бўлим бошлиғи

XXI аср — ёшлар асри

Шавкат РАЖАБОВ, Тошкент Давлат санъат институти талабаси

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Turkiston»га обуна бўлинг! Нашр индекси — 203

Дилором Нигмонова, Тошкент шаҳри

Янги Дунё — ёшлар дунёси

«Обуна давом этади» танловида қатнашишни истаган ёшлар «Turkiston»га обуна бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома нусхаси ҳамда ўз фотосуратларини жўнатишларини сўраймиз.

ЁШЛАР МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

(Давоми, боши 1-бетда)

Икки кун давом этган шўъбаларга бўлиниб ўтказилган анжуманда Ўзбекистон ёшларининг бугунги кундаги умумий муаммолари, бу муаммоларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатларини ижобий ҳал этиш йўллари, ёшларнинг аҳволи ва эҳтиёжларини ўрганишнинг самарали услублари ҳақида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Тингланган маърузалардан сўнг таклиф ва тавсиялар қабул қилинди. Ушбу анжуманнинг анъанавий давом эттирилиши ҳақидаги таклифлар инобатга олиниб, навбатдаги 2003 йилнинг май ойида ўтказилиши режалаштирилди.

Анжуман қатнашчиларининг баъзи бирлари билан газетхонларни таништириш мақсадида уларни суҳбатга тортдик.

Нодир СУБҲОНОВ — Ёшлар муаммолари институти ректори:

— Бугунги ёшлар ҳақида сўз юритар эканмиз, ўз-ўзидан савол туғилади. Ёшларнинг ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасидаги фикр-мулоҳазалари қандай? Умуман ёшлар давлат бошқарувида қай даражада иштирок эта олишлари мумкин? Шу ўринда, ёшлар муаммолари институти ўтказган социологик тадқиқотларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Юқоридаги саволга аксарият, яъни 51,4 фоиз ёшлар бунга тайёрлигини, 32,1 фоизи эса бунинг учун ҳали тажрибаси етишмаслигини, агар катталар ёрдам берса, ўзини синашга тайёр эканлигини, фақат 7 фоизигина рад жавобини берганлиги маълум бўлди. Демак бугунги ёшларнинг ўзлари бошқара оладиган, келажакда давлат бошқарувида иштирок этишлари учун уларга чин маънода тажриба мактабини ўтайдиган ташкилотнинг майдонга келиши давр талаби эканлиги табиий ҳолдек кўринади. Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муҳим роль ўйнайди. Ўз навбатида Ҳаракат фаолияти доирасида Ёшлар муаммолари институтининг аҳамияти ҳам муҳим эътибор касб этади. Келгусида у ёш раҳбар кадрлар етиштирадиган, ёшлар муаммолари борасида тадқиқотлар олиб бора оладиган, аниқроғи мамлакатимизнинг ёшлар муаммоларини тадқиқ ва таҳлил қиладиган марказга айланиши, унинг қошида ижтимоий, руҳий лабораториялар фаолият юритиши муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, бугун ҳам институт ўз фаолиятини ёшларнинг ижтимоий муҳитини, маънавий-руҳий шаклланиши масаласини, ёшлар орасида содир этилаётган жиноятчиликнинг маънавий руҳий омилларини, маънавий-соғлом тарбия масалаларини, ҳуқуқий демократик давлатчилик ва фуқаролик жамиятини ёшлар томонидан англаниши, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш муаммоларини, ёшларни иш билан таъмин этиш масалаларини, экологик, иқтисодий ва бошқа муаммоларини ўрганишдан бошлади.

Н.АЛИҚОРИЕВ — иқтисод фанлари доктори, ЎзМУ профессори:

— Бизнинг борлиғимиз ва бутун бойлигимиз ёшлардир. Бугунги ва эртанги кунимиз ҳам ёшлар. Улар бизнинг таянчимиз, шундай экан, бизнинг асосий диққатимиз ёшларга ва уларнинг тараққиётини таъминлашга қаратилмоғи лозим. Шуни айтиш жоизки, ҳозирги ўтиш даврида ёшларнинг муаммоси уммон кабидир. Лекин уларнинг энг зарури, энг асосийси ва долзарби социал муаммолардир. Ёшларнинг социал муаммоси ҳозирги кунда катта миқёсга кўтарилган. Социал таҳлилга ёшлар ҳаракати, меҳнат ва жамоадаги фаоллиги, уларнинг мустақил меҳнатга ўтиш ва ўрганиш жараёни, қадриятларга бўлган муносабати, уларнинг иймон-эътиқоди, ижодий тафаккур тарзи, Ватан ва миллатга бўлган муносабатлари киради. Ёшларни ўз-ўзини бошқаришга ўргатиш, улар тафаккурида бошқарув механизмини шакллантиришдир. Зеро, ўз-ўзини англаш даражаси ёшларда интеллектуал салоҳиятнинг доимо ўсиб боришига боғлиқ бўлади.

Ш.БЕКТУРДИЕВ — "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Гулистон Давлат университетидаги бошланғич ташкилоти етакчиси:

— "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бугунги ёшларнинг ўй-фикрлари, орзу умидларига йўл очиб, уларнинг ҳаётий манфаатларини қатъият билан ҳимоя этадиган ҳаракатдир. Ёшлар тарбияси мамлакат келажаги пойдеворидир. Мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажаги равнақи учун салоҳиятли, ҳар томонлама етук ёшлар жуда зарур. Уларнинг баркамол бўлишларида, илм эгаллашларида ҳуқуқий, фалсафий билимларнинг роли катта. Ёшларнинг чуқур билим олишлари учун яратилаётган имкониятлар эса етарлича. Юртимизнинг келажакдаги равнақи йўлида ёшлар масаласи энг биринчи масала ҳисобланади. Бугунги кунда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати худди шу масалага ижобий ёндошишнинг ёрқин намунасидир. Бугунги ёшларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидларига йўл очиб, уларнинг ҳаётий манфаатларини қатъият билан ҳимоя этадиган ҳаракатдир. Зеро, ёшлар келажак пойдеворидир. Ўйлаймизки, Ўзбекистондаги барча жамоат ташкилотлари мамлакатимиздаги ёшларга миллий ғоя ва миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Демак ёшлар сиёсий онгини шакллантириш, бугунги куннинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолар экан, бу нафақат илм маърифат жонкуярларининг балки жамоат ташкилотларининг ҳам асосий вазифаларидан биридир.

Лола СОАТОВА,
«Turkiston» мухбири

ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

Республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзтелерадиокомпанияси "Умид" студияси ташаббуси билан республика "Қувноқлар ва зукколар" кўрик - танлови бўлиб ўтмоқда.

Танловнинг ярим финал босқичи Самарқандда бўлиб, беллашувда ўз минтақаларида ғолиб чиққан уч кучли жамоалар Ўзбекистон Миллий университетининг "Шоввозлар", Термиз Давлат университетининг "Табассум", Самарқанд Давлат қурилиш ва меъморчилик институтининг "Божалар" жамоалари қувноқлик, зукколик, билимдонлик, ҳозиржавоблик борасида ўз иқтидорларини намойиш қилишди. Ҳамид Олимжон номидаги мусиқа ва драма театрида ёшлар учун бундай ажойиб тадбирларга нафақат самарқандлик ёшлар, балки бошқа вилоятлардан ҳам меҳмонлар ташриф буюришди. Уч муносиб жамоанинг ҳар бир чиқиши томошабинлар томонидан олқишлар билан кутиб олинди. Жамоалар таништирув, савол-жавоб, ҳангома деб номланган шартлар юзасидан баҳслашдилар. Беллашув аввалида иштирокчилар қадим ва азим Самарқандга тўпланишдан асосий мақсад дўстлар орттириш, бутун мамлакатимиз ёшларини ягона ғоя атрофида бирлаштириш эканлигини айтиб ўтдилар.

Барча жамоаларнинг ишқибозлари "Шоввозлар" гуруҳига олқишлар ёғдирганларини ўзлари ҳам сезмай қолишди. "Шоввозлар" талабалар ичакузди ҳангомалари билан ҳаммани лол қолдиришди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати учрашув сўнгида "Шоввозлар"ни танлов ғолиби деб эълон қилди.

ЎзМУнинг "Шоввозлар" жамоаси республика финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ғайрат ТЕМИРОВ

ДУГОНАЛАР

(Давоми, боши 1-бетда)

Вика Салимованинг таржимаи ҳоли уч сатрга жо бўлади: мактаб, жумладан, мусиқа мактаби, Самарқанд санъат билим юрти, фортепиано бўлими. Аммо ҳар бир сатр замирида ўз соҳасининг ҳақиқий мутахассис бўлишдек асосий мақсад сари ҳавас қилса арзигулик қатъият билан интилаётган тўртинчи босқич талабасининг қизиқарли ва тўлақонли ҳаёти акс этиб туради.

-Тошкентдаги Давлат консерваториясининг янги биноси очилишига бағишланган кўрсатувни диққат билан томоша қилдим, - деб таъкидлайди Вика Салимова. - Давлатимиз раҳбарининг, бу муҳташам мусиқа саройида Ўзбекистоннинг турли бурчакларидан келган иқтидорли ёшлар таҳсил олиб, ўз маҳоратларини ошириши, деган самимий сўзлари мени айниқса қувонтирди.

Энди мен, албатта, шу даргоҳда ўқийман, деган қарорга келдим. Ҳозирданоқ кириш синовларига тайёргарлик кўряпман. Мен ўзим мусиқа асарлари ёзишни, одамларга қўшиқлар, самимий куйлар ҳадя этишни орзу қиламан. Агар шу билан халқимга, юртимга фойдам тегса, ҳаётда ўз мақсадимга эришдим, деб ҳисоблайман.

Вика тўққиз ёшлариданоқ кенг тарқалган муаллифлик қўшиқларидан бирига мустақил равишда ўзича куй танлаган эди. Ўн икки ёшида эса сўлим куз фаслининг чиройига маҳлиё бўлиб ўзининг "Хазонрезги" номли илк куйини яратди.

Тахминан айни шу пайтда, дунёнинг бошқа бир қитъасида, АҚШнинг Цинциннати шаҳрида яшаётган ўсмир қиз Сюзанна Фэт биринчи бор гитара оҳангларини ўзлаштиришга киришди. Сюзаннанинг дастлабки нафис ижролари фақат юракка таъсир этиб қолмай, улар ҳис-туйғуларни, ташқи муҳитга бўлган ўз қарашларини уйғунлаштирар эди. Кейинчалик ундаги бу хусусиятлар ривожланиб, унинг "Бу ҳаёт яшашга арзийди" деб "катталарга" хос фалсафий ном билан аталган қўшиғида яққол намоён бўлди. Ушбу қўшиқни муаллиф шу ерда, Самарқандда, қизиқишларининг ҳайратомуз ўхшашлиги уларни яна бир бор қувонтирганидан сўнг ўзининг янги дўсти Викториянга ҳадя этди.

Викториянга русча, ўзбекча, инглизча қўшиқлар композициясини яратишда унинг истеъдодига ишонган билим юрти ўқитувчилари ёрдам беради. Устози, истеъдодли педагог Галина Евгеньевна Солдатовага бўлган муҳаббати туфайли Вика фортепиано олдида, ўз ибораси билан айтганда, "бир кеча-кундузда 24 соатнинг ҳаммасини сарф-лаш"га ҳам тайёр. Жамила Юсуповна Наимова эса унга мусиқа сирлари ва қонуниятларини ўргатади, ҳозирда унинг ўқувчиси йигирмага яқин мусиқий асарлар муаллифидир. Ушбу мусиқий асарлар шеърларини тил ва адабиёт ўқитувчиси ва шоира Маҳфуза Давронова ёзиб берган.

Самарқандда Сюзанна ҳаётининг "мусиқий саҳифа"си у кутмаган даражада сермазмун бўлди. Сюзанна "Фламинго" муаллифлик қўшиқлари клуби томонидан ташкил этилган шаҳар танловида бир йўналиш бўйича ғолибликни қўлга киритди. Америкалик қизнинг ютуғини самарқандликларгина эмас, муаллифлик қўшиқлари байрамини томоша қилиб турган барча мухлислар, унинг ота-онаси, жумладан, ўша кезлари бу қадимий шаҳарга меҳмон бўлиб келган бобоси ва бувиси ҳам қизғин олқишлади.

—Билим юртида амалиёт машғулотлари бошлангач, Сюзанна менга шогирд тушди, - дея ҳикоя қилади Вика. - Дарвоқе, илгари унга фортепианонинг қизиғи йўқ эди. Шу аснода, назаримда, менинг пианинога бўлган қизиқишим унга ҳам кўчди. Биз биргаликда бир қанча мусиқий асарлар - русча "Калинка", итальянча "Санта Лючия", Вердининг "Риголетто" операсидаги герцог қўшиқлари ва бошқа талайгина этюдлар тайёрладик.

Устоз ва шогирд имтиҳонларни муваффақиятли топширишди. Сюзанна миллий мусиқамиз билан танишишга улгурди, у ҳам америкалик қиз қалбидан жой олди. Унинг "Самарқанддаги" уйида осиғлиқ турган дутор ҳам шунчаки шарқона тус бериш учунгина эмас. Сюзанна ўз юртида унча хушламайроқ қарайдиган замонавий рэп мусиқаси бу ерда, Самарқандда ўзига хос халқона мусиқий тароват касб этгани учун уни ҳаяжонга солди.

Сюзанна ҳозирда ўзбек ва рус тилларида эркин сўзлаша олади. Фэтлар оиласининг кичик аъзолари - Лидия ва Натениэл ўзбек мактабининг олтинчи ва еттинчи синфларида муваффақиятли ўқимоқда. Сюзаннанинг ўзи эса инглиз тилининг ёш билимдонлари тўгарагини тобора кенгайтирмоқда. У дастлаб маҳалла болакайларига репетиторлик қилиб "тажриба" орттирди. Ёзги таътил даврида Сюзаннанинг "ингглиз тили мактаби"га ўн беш нафар бола бажонидил қатнашди. Машғулотлар якунлангач, аҳил жамоа бир пиёла чой устида дўстона байрам қилиб, жўрликда қўшиқ куйлади.

Инсонларни фақат байрамларгина яқинлаштирмайди...

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Сюзанна Фэтнинг ёзган хатидан:

"Ўтган йилнинг 11 сентябрида АҚШда рўй берган фожиа ҳақидаги мудҳиш хабар бутун дунёга тарқалди. Ушанда Вика менинг олдимга келди ва биз тун бўйи кўчада йиғлаб чиқдик. У қўлидан келганча менга далда берди. Яқин ўтмишда Ўзбекистон ҳам худди шундай фожиани бошдан кечирганини айтиб берди. Бу қайғу бизни янада яқинлаштирди".

-Мен бизнинг кечинмаларимизга қайсидир жиҳатдандир ҳамоҳанг бўлган мусиқа яратдим, - дея ҳикоя қилади Виктория. - Сюзаннага инглиз тилида қўшиқбоп матн ёзишни таклиф қилдим. Бизнинг "I will stand be you" ("Мен сен билан биргаман") қўшиғимиз шу тариқа дунёга келди. Бу қўшиқ тинчлик-тотувликда яшашга шунчаки даъватгина эмас, балки ҳамдардлик, оғир дамларда қўлни-қўлга бериб яшаш, қалблар ва юраклар бирлиги ҳақида, "бошқаларнинг дарди бизнинг ҳам дардимиз" экани тўғрисидадир.

У оддий, тўқиб чиқарилмаган, лекин нақадар чуқур маъноли сўзлардан иборат. Инсон бошқаларнинг қайғуалами, дард ва изтиробларига дуч келар экан унинг ўзи ҳам янада инсонийроқ, янада меҳрибонроқ бўлиб боради, чунки унинг қалбида қайғудошлик, меҳр-шафқат ҳислари уйғонади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Виктория Салимованинг ёзган хатидан:

"Мен Самарқандда туғилганман. Ўз шаҳримни жуда яхши кўраман ва у билан ғурурланаман. Океан ортидан шундай ажойиб дўст топганимдан хурсандман. Биз у билан худди опа-сингиллардек бўлиб кетганмиз. Мен, шунингдек, Ислом Абдуғаниевич, Сиз билан, Сиз амалга ошираётган ишлар билан ҳам фахрланаман. Бизнинг Ватанимиз халқаро терроризмга қарши курашда Америка халқига яқиндан ёрдам берганидан мен ўзимни бахтиёр ҳис этаман. Биз тинчлик даври фарзандларимиз ва урушни истаймаймиз. Биз бутун дунёда тинчлик бўлиши тарафдоримиз! Президентларимизга бизнинг ўртамиздаги каби дўстликни, мамлакатларимиз эса худди бизлар яқин ва қадрдон бўлишини тилайман".

-Биласанми, менга Америкадан кетиш жуда оғир бўлганди, Самарқанддан кетиш эса янада оғирроқ бўлади. Самарқанд менга азиз бўлиб қолгани учун кўп жиҳатдан сендан миннатдорман, - дейди Сюзанна дугонасига. Ёзда у ўқишини давом эттириш учун она юртига кетади. Сюзанна инглиз тили ўқитувчиси бўлишга қарор қилган. У Ўзбекистон заминига қайтиш ва бизнинг болаларимизга тилдан сабоқ бериш мақсадида шу йўлни танлаган. Ва бу Фэтлар оиласининг қадимий шаҳарда узоқ яшаб қолишдек жиддий ниятига ҳам мос келади. Дарвоқе, бу қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг яна бир ашаддий шайдоси бор. Бу Сюзаннанинг юртдоши, худди у каби ёш ва мовийкўз Жессидир. Улар Цинциннатида ёзги лагерда танишган эдилар. Жесси айни пайтда Францияда ўқийди ва дугонасининг таклифига кўра Самарқандга келганини илиқ хотирлайди. Бу шаҳар унинг юрагидан ҳам камалакнинг бир парчаси сингари жой олган.

Америкалик бу оила Ўзбекистонга эзгу ва хайрли ишларни кўзлаб келган. Д. Фэт вакил бўлган ассоциациянинг вазифаси барча давлатларга, жумладан бизнинг мамлакатимизга ҳам инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишдан иборатдир.

Сюзаннанинг онаси Синдини ўзбек миллий либоси бўлмиш хонатлас кўйлакда кўриб, эндиликда ҳеч ким ажабланмайди. Тўғрисини айтганда, унга бу кўйлак жуда ярашади. Миллий либос унинг учун шарқона экзотика белгисигина эмас. Синди уларни биз билан бирдамлик ва бизнинг урф-одатларимизга ҳурмат-эътибор рамзи сифатида ардоқлаб кияди.

Фэтнинг уйида ўзи ишлаган, Самарқанд манзаралари акс этган юзлаб фотосуратлар бор.

— Менга Ўзбекистон, Самарқанд жуда маъқул тушди. Биз Вика билан Регистонга, Гўри амирга тез-тез бориб турамиз, машҳур Улуғбек расадхонасига ҳам бордик. Сизларнинг бозорларингиз эса ҳар қандай тасвирий санъат асарлари кўргазмаларидан ҳам гўзалроқдир. Маҳаллий рассомлар асарларининг бу қадар ранглларга бойлиги, назаримда, тасодифий эмас, - дейди яқинда санъат асарлари кўргазмаларидан бирига дугонаси билан борган Сюзанна.

Виктория ва Сюзанна билан суҳбатлашар эканмиз, ёшлар мавзусини ҳам четлаб ўтолмадик. Тағин ҳайратомуз ўхшашлик. Иккаласи ҳам фақат моддий бойлик ортидан қувган ёшларга ўнчалик хайрихоҳ эмас экан. Фавқулодда саргузаштлар излаб ҳар оқшомни дискотекаларда, кўнгилхушловчи давраларда беҳуда ўтказадиган тенгдошларига астойдил ачинишади, фақат "бу ҳаётдан ҳамма нарсани олиб қолиш керак" деган тушунча билан яшайдиган ёшларнинг нуқтаи назари билан мутлақо келиша олмайди. "Ҳамма нарса" дегани бу - ўз ёлғонига ўзи ҳам ишонадиган, куйиш учун ўзини ўтга урадиган парвона каби иродасизлар учун даҳшатли тузоқ бўлган гиёҳванд моддалар ҳамдир.

Дугоналарнинг сохталик ва баландпарвозликдан йироқ, самимий дил изҳорларини тинглар экансиз, беихтиёр бир хулосага келасиз: ахир, улар нафақат икки мамлакат, балки бутун дунё ёшларининг, яъни замонавий янги авлоднинг тимсоли эмасми? XXI асрда яшайдиган, ишлайдиган, башариятга эзгулик, меҳр-муҳаббат ва бахт-саодат улашадиган бунёдкор, тинчликсевар ёшларнинг тимсоли ҳам аслида шулар эмасми?!

Америкада ҳеч қачон бўлмаган Викани кузатадиган бўлсак, унинг табиати америкача турмуш тарзига мос келади. У ўзининг мусиқа яратиш, қўшиқларини одамларга тақдим этишдек эзгу орзуси сари тиришқоқлик ва қатъият билан интилмоқда. Ваҳоланки, ҳамиша олдинда бўлишга ҳаракат қилиш, ўз куч-қобилиятига ишониш, истеъдод - америкаликлар қадрлайдиган фазилатлар бўлиб, улар шу туфайли муваффақиятга эришадилар.

Самарқандда Сюзанна Фэт ўзи ва атрофидаги одамлар тимсолида мутлақо янги бир оламни кашф этди. Самарқанд замонлар суронни эшитилиб турувчи мангу бедор, карвон йўллари туташган ҳамда Шарқ ва Ғарб маданияти уйғунлашган шаҳардир. Бу шаҳарда турфа тиллар табиий ва дўстона муносабатга киришади, одамлар ўзбек, рус, тожик тилида мулоқот қилиб келган, энди эса бошқа тилларда ҳам сўзлашмоқда. Яхши қўшничилик, кўнгли очиқлик, диний бағрикенглик, толерантлик фазилатлари асрлар давомида бу табаррук ўлкада яшовчи барча инсонларнинг қон-қонига сингиб кетган.

Бизнинг юртимиз, халқимиз, унинг меҳмондўстлиги Сюзаннанинг қалбидан жой олди. Илгари мамлакатимиз тўғрисида ҳеч нарса билмаган бу қиз қисқа фурсат ичида уни севиб қолди. Унинг бошидаги зардўзи дўппи, нафис қўлларидаги дутор - бизга чин дилдан яқин бўлиш истагининг белгиси эмасми?!

Қисқаси, ўн саккиз ёш бўсағасидаги бу дугоналар соф ниятлар, эртанги кунга катта умидлар билан яшамоқда. Бу эса уларнинг келгусида эришадиган кўпдан-кўп ютуқлари ва ҳаётнинг машаққатли йўлларида қўлга киритадиган зафарлари гаровидир.

Шу боис улар ўз дўстона муносабатлари ҳақида, инсоннинг ёнида ҳақиқий дўсти бўлса, қанчалик соз экани тўғрисида икки мамлакат - АҚШ ва Ўзбекистон Президентларига хат йўллаб, ўз мулоҳазаларини баён этишга азму қарор қилганларига ҳайратланмаса ҳам бўлади.

Наталья ШОКИРОВА,
Раим ФАРҲОДИЙ.
("Правда Востока" газетасининг
2002 йил 25 апрель сонидан олинди).

СУРАТЛАРДА: 1. Сюзанна Фэт (чапда) ва Виктория Салимова. 2. Сюзанна Фэт (ўнгда) ва Виктория Салимова "ўзбекча-америкача" дуэтни машқ қилишмоқда.

TA'LIM VA ISLOHOT

Мактабларда махсус компьютер хоналари

БУГУН КЕЧАНИНГ ТАКРОРИ БЎЛМАСИН

Қизириқ туман Халқ таълими бўлими мудири, "Халқ маорифи аълочиси" Хушмурод Муҳаммадиев билан суҳбат

— Туманимиздаги 46 та мактабда 21600 нафар ўқувчи таълим олади. Таълим тизимини ислоҳ қилиш — ўртамиёна ҳолатдан юксалиш босқичига чиқиш, деб тушунаман. Шундай экан, аввало ўқувчиларнинг юқори савияда илм ўрганишларига шароит яратишимиз шарт. Биз жаҳон андозалари деган гапни кўп айтамиз. Унинг ўзи нима эканлигини тўлиқ англамай баъзилар амалиётга жорий этишда янглишишмоқда. Масалан, синфхоналарни таъмирлаш, янги қўлланмалар сотиб олиш билан тизимни ислоҳ қилиб бўлмайди. Назарий билимларни амалиёт билан қўшиб олиб бориш, бунинг учун ўқув жараёнларини янги замонавий техникалар билан жиҳозлаш зарур. Ривожланган давлатларнинг таълим тизимидаги устун жиҳатларини ўзлаштириш орқали ўқувчиларга юқори савияда, халқаро миқёсда билим беришга шароит яратилади.

— Бизга маълумки, Қизириқ туманидаги мактабларнинг аҳволи, ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши яқин йилларгача ўта паст эди...

— Тўғри, бундан икки йил олдин туманимиз ўқувчилари фанларни ўзлаштириш самарадорлиги бўйича вилоятда охирги ўринда туришарди. Биз энг аввало давлат таълим стандартларини мактабларга жорий этдик. Яъни мактаблардаги ўқитувчилар хоналарига янги тизим асосида дарс ўтиш жадвалини андоза сифатида илиб қўйдик. Ҳамда барча ўқитувчиларни таълим стандартлари асосида билим беришлари учун шароит яратдик.

Албатта, мактабларда махсус компьютер хоналари, хориж тилларини ўргатиш курслари ташкил қилганимиз болаларда илм ўрганишга янада кўпроқ қизиқиш уйғотди. Ҳозирги кун ўқувчиси дунё ёшлари, улардаги таълим тизими тўғрисида кўпроқ маълумотга эга. Шундай экан, алмисоқдан қолган синф жиҳозларини дарс ўтишни замонавийсига алмаштириш ўта муҳим. Бу борада туманимиз ҳокими Мамаюсуф Холбоев бизга яқиндан кўмак бермоқда. Ҳозирда туманимизда каттакичик ташкилотлар мактабларимизни оталиққа олишган. Масалан, тумандаги "Пахта тозалаш" заводи 1-мактабга ўқитувчилар куни муносабати билан "Персонал" компьютер жамламасини совға қилишди ҳамда мактабни таъмирлаш ишларига бир миллион сўм ажратишди.

— Кўрилаётган чора-тадбирлар қувонарли, албатта, аммо самараси қандай бўлаяпти?

— "Энг яхши мактаб" кўрик-танловида туманимиздаги 36-мактаб вилоятда иккинчи ўринни олди, мукофот жамғармаси 500 минг сўмни ташкил этди. "Умид ниҳоллари" ўйинларида иштирок этган икки ўқувчимиз республика босқичига чиқишди. Биология, инглиз тили фанлари бўйича вилоятда ўтказилган олимпиадаларда ўқувчиларимиз биринчи ўринни олишди. Кечагина фанларни ўзлаштириш бўйича туманимиз ўқувчилари вилоятда охирги ўринда турган бўлса, бугунга келиб учинчи ўринга чиқиб олишди. Мактабни тугатаётган ўқувчи-ёшларнинг олий уқув юртларига кириши бўйича ҳам вилоятда учинчи ўринда турибмиз.

Албатта, бундай натижаларга эришишнинг ўзи бўлгани йўқ. Бунда Ўроқхон Бобоев, Бозор Жўраев, Қаюм Назиров, Муҳаббат Исломова, Эшқурбон Чоршанбиев сингари ўқувчиларнинг меҳнати катта. Шу кунгача тумандаги ўн иккита мактаб тўлиқ компьютерлаштирилди. Қолганларини ҳам техник жиҳозлар билан таъминлаш, барча мактабларни замонавий типда таъмирлаш ниятидамиз.

— Ҳукуматимиз ўқувчи-ёшларга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўқувчилар учун ҳам халқаро танловлар жорий этилган...

— Нима демоқчи эканлигингизни тушундим, мактаб ўқувчилари ҳам хорижда таълим олиб қайтишяпти, хабаримиз бор. Бизнинг мақсадимиз ҳам ўқувчиларимизни илмий салоҳиятини ошириш, хориж таълим тизимини кўриб, ўрганиб қайтишларига шароит яратишдир. "АКСЕЛС" дастурида иштирок этган 1-мактаб ўқитувчиси Эгамберди Гелдиев ғолибликни эгаллаб, "Персонал" компьютер жамламасини қўлга киритди.

Ҳозирги кун ўқитувчиси ҳам, ўқувчиси ҳам, аввало, мамлакатимизда амалга ошираётган сиёсий, иқтисодий, маънавий ўсиш, юксалишларни, қолаверса, янгиликларни ўзлаштириш, шунингдек, дунё воқеаларидан хабардор бўлиб бориши лозим. Биз барча мактабларда ҳафтанинг ҳар жумасида "Миллий истиқлол ғояси" сиёсий дарс соатларини ўқитувчилар учун жорий қилдик. Бундан ташқари, туманимиздаги боғчалар мудиралари учун ҳам махсус дарс соатлари жорий этганмиз. "Чўл чамани" (Муҳаррам Муҳаммадиева), "Наргиз" (Дилшода Сатторова) боғчаларида мазкур дарс соатлари яхши йўлга қўйилган.

— Ўқувчи-ёшларни касбга йўналтириш, спорт тўгаракларида чиниқтириш масалалари ўз ечимини топаяптими?

— Туманимизда мактабдан ташқари ўқув-амалий муассасаларимиз мавжуд. Дейлик, "Қаламкаш" тўгарагида 70 дан зиёд, "Гулчилик"да 50 та, тикиш- бичишда 100 та, каратэ тўгарагида 100 та, курашда 150 нафар ўқувчилар мунтазам қатнашишмоқда. Бундан ташқари, Термиз шаҳридаги "Фируз" фирмаси билан ҳамкорликда 2- мактабда тикиш-бичиш ўқув курси филиалини очдик. Бу ерда ўқувчилар назарий ҳамда амалий билим олишади, тугатгач уларга диплом берилади.

2002-2003 ўқув йилида 43-, 8-, 11-, мактабларни янги замонавий типда, таъмирлаб, ишга туширмоқчимиз.

«Turkiston» мухбири
Юсуф ЖЎРАЕВ суҳбатлашди

СУРАТ БАЛАНД, СИФАТ ЮҚОРИ

Кейинги йилларда вилоят матбуот бошқармаси тизимидаги матбаа корхоналари ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришмоқда. Матбаачилар чоп этаётган вилоят, туман, шаҳар, шунингдек, тармоқ газеталарининг сони 26 тага, журналлар эса учтага етди.

- Жорий йилнинг ўтган уч ойида 1,4 миллион нусхада газета ва журнал нашр этилиб, ўқувчилар қўлига етказиб берилди, - деди бошқарма бошлиғи Қодир Сарибоев "Туркистон-пресс" мухбирига. – Иш жараёнининг компьютерлаштирилганлиги маҳсулот сифатининг юқори бўлишини таъминламоқда. Шунинг учун қўшни Тошкент вилоятининг иккита туман, Самарқанднинг "Даракчи", "Сўғдиёна" газеталари ҳам Гулистон ва Сирдарё шаҳар босмахоналарида чоп этилмоқда.

Жорий йилнинг дастлабки чорагида 6,8 миллион сўмлик матбаа маҳсулотлари тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди. Бу борадаги режа 195 фоизни ташкил қилди. Оқ қоғоздан 20,8 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, режа 178 фоиздан ошириб юборилди. Босмахоналарда пуллик матбаа хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Ўтган уч ойда бу соҳадаги кўрсаткич 2,7 миллион сўмни ташкил қилди.

Вилоят босмахоналарида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,9 баравар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 1,7 баравар, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 4,5 баравар ўсган.

Сирдарё вилояти, «Туркистон-пресс»

БИЗ СЕВГАН ДАРГОҲ

Каттақўрғон педагогика касб-ҳунар коллежида 1412 нафар талаба кундузги, 914 нафар талаба сиртқи бўлимида таҳсил олмоқда. Бошланғич таълим, меҳнат таълими, тасвирий санъат соҳалари бўйича мутахассислар тайёрловчи ушбу ўқув масканида 105 нафар тажрибали педагоглар дарс берадилар. Ўқув масканига халқ таълими аълочиси Х.Шодиева раҳбарлик қилмоқда. Билим даргоҳида ёшларнинг маънавий баркамоллигини таъминлашга, улар онгига мустақиллик ғояларини сингдиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўқув, маънавият ва маърифат хоналари замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Коллеж талабалари туман, вилоят, республика миқиёсидаги турли хил кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати коллеж бошланғич ташкилоти етакчиси Д. Рўзиев бошчилигида талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида кўплаб тадбирлар режа асосида ўтказилмоқда. "Ҳушёрликка даъват", "Сиз қонунни биласизми?", "Президент асарларини ўрганамиз", "Баҳор маликаси" каби кўплаб қизиқарли тадбирлар шулар жумласидан.

Чарос САТТОРОВА, талаба

USTOZ VA SHOGIRD

Ёшларимизга шароит яратиб бериш керак

ИНСОН ИМКОНИЯТЛАРИ МАРКАЗИ

Ўтган йили Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими қошида ана шу ном билан аталувчи марказ ташкил топган эди. Унинг мақсади — ёшларимиздаги иқтидорни юзага чиқариш, ҳамда мақсадли фаолиятга йўналтиришдан иборатдир.

— Гапни аввало бизни ҳаракатга ундовчи кучдан бошласам, — дея суҳбатни бошлади марказ ижрочи директори Абдулла Шодиев. — Биласизми, мактабда ўқиётган ўқувчиларнинг аксарияти келажак ҳақида саёз фикрлайди ёхуд фақат орзу қилиш билан чекланади. Улар мактабни битириш арафасидагина репититорга боради. Институтларга ҳужжат топшираётган абитуриентларнинг аксарияти "қайси бир факультетда танлов кам бўлса, ўшанга ҳужжат топшираман", деб юрганини биламиз. Албатта, мустақил ҳаётга йўлланма олаётган бу болаларнинг ўз мустақил фикрларига эга бўлмаслиги ачинарли. Марказимиз ана шу муаммоларни ечишни ўз зиммасига олган.

— Бу муаммони қандай йўл билан бартараф этиш мумкин?

— Ечимини устоз-шогирдлик анъанасидан изладик. Дунёнинг ривожланган давлатлари ҳам шу йўсинда ҳозирги тараққиёт даражасига эришганлар. Ўзининг илмий ёки бирор бир касб фаолияти билан эл назарига тушган кишиларни ишга жалб этдик. Эътибор қилинг, Алишерни Навоий, Заҳриддинни Бобур қилган ҳам улар улғайган муҳит, болалигида кучли таъсир кўрсатган тарбиявий муҳит, оиласининг ижод кишилари билан яқин бўлганлиги маълум. Хўш, бу ишни ҳозирги кунда нега амалга ошириш мумкин эмас? Шу ўринда Э.Воҳидовнинг бир гапини айтиш ўринли: "Шахматда "Ботвинник мактаби", "Каспаров мактаби" деб юритилади. Нима учун, айтайлик ёш шоирлар учун "Абдулла Орипов мактаби"ни, ёш рассомлар учун "Баҳодир Жалолов мактаби"ни ташкил этиш мумкин эмас? Мумкин! Бундай иқтидорли болаларни танлаб олиб ўқитиш, ўргатиш жуда керак,деб ўйлайман.Ҳеч ким ўз мактабига уқувсиз болани олишни, меҳнатининг зое кетишини истамайди". Ёшларимизга шароит яратиб бериш учун бизда ҳам етарлича имкониятлар бор. Бунинг учун Самарқанддаги олий ўқув юртлари раҳбарларини жалб этдик. Ҳозирда СамДЧТИ ректори институт қошида "Халқаро муносабатлар мактаби"га асос солди. Мазкур мактабда Самарқанд шаҳар мактабларидан ташриф буюрган 150 нафар бола ҳар ойда бир марта шуғулланмоқда.

— Ёшларни мақсадли фаолиятга йўналтиришда уларни фикрини билиш катта аҳамият касб этади. Шундай эмасми?

— Машғулот жараёнида ёшларимизга "қандай мақсадларни кўзлаб яшаяпсиз?" дея савол билан мурожаат этганимизда баъзилари олий ўқув юртига кириш, хорижий тилларни ўрганиш, дея жавоб берган бўлсалар, айримлари анчагина мавҳум "яхши инсон бўлиш", деб қўя қолишган. "Бу йўлда сизни қандай муаммо қийнайди?", деган саволимизга эса 20 нафардан ортиғи ҳеч қандай муаммо йўқ, дея жавоб қайтарган. Баъзилари чет тилини ўрганиш, иқтисодий қийинчиликлар, дарслик китобларнинг етишмаслиги, ўқитувчиларнинг касбига совуққонлиги каби муаммолари борлигини тилга олишган. Уларнинг аксарияти муаммоларни ечиб кўришга уринишган. Китобларни кутубхонадан ва ўртоқларидан олиб фойдаланишган. Ўқувчиларимизнинг газета ва журналларга обуна бўла олмаётганини асосий муаммолардан, дея кўрсатгани ҳам жуда ўринлидир.

Юқорида айтиб ўтилган маслалардан ташқари "сизни яна нималар кўпроқ қизиқтиради" деган саволимизга кўпчилик ўқувчилар бирон бир иш билан шуғулланишга вақти йўқлигини рўкач қилганлар. Айримлари ўзларининг иродасизлигини ҳам тан олиб гапиришган. Арзийдиган ютуқлар сирасига ўқувчиларнинг ярмидан ортиғи фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида эришган ютуқларини айтиб ўтишган. Айримлари арзирли ютуқларни қўлга киритмаганликларини қоғозга битганлар. Шу ўринда улар "Халқаро муносабатлар мактаби" машғулотларини ойда бир марта эмас, балки ҳар ойда икки ёки ҳафтада бир бор ўтказилишини таклиф этишган. Шунингдек, хорижликлар билан давра суҳбатлари, интеллектуал ўйинлар ва шу ерда олган билимлари асосида синовлар олиб боришни, сиёсий мавзулар билан бир қаторда ижтимоий мавзуга ҳам кўпроқ тўхталишни таклиф қилганлар.

Мақсадимиз фақат муаммоларни топиш эмас, балки муаммоларни ечиш, иштирокчилар орасидан лидерларни танлаб олиб фаолиятимизни кенгроқ ёйиш, уни мақсадга, режага айлантириш, болаларни ҳаракатга келтиришдир.Уларнинг савиялари ана ўшанда биз ўйлагандек юқори бўлади. Мамлакатда кучли салоҳиятли шахслар етишиб чиқади.

Зоҳида БОЙМАТОВА, журналист

AKS-SADO

Меҳнатдан меҳнатнинг фарқи бор

ЁШЛИК БЕҲУДА ЎТМАСИН

Газетанинг 2002 йил 4 апрель сонидаги "Бозордаги болалар" сарлавҳали мақолани ўқиб, севимли адибимиз Ўткир Ҳошимовнинг қуйидаги сўзлари ёдимга тушди:

"Бугун байрам, кўчалар гавжум. Шўх-шўх қуйлар янграйди. Гуррос-гуррос одамлар ўтади. Ўйин-кулги, шодон шовқин баҳор осмонини титратади.

Шундоққина йўлка чеккасида ўтириб олган болакай овози борича ҳайқиради:

— Гул! Кеп қолинглар, гул! Атиргул. Байрам гуллари"

Унинг олдидаги бир сават гул қуёш парчасида товланади.

Гуллар ҳар хил: оқ, қизил, пушти...

Одамлар келиб гул олишади.

Нарирокда тўнкарилган эски пақир устида ўтириб, редиска сотаётган хотин орачора болага танбеҳ бериб қўяди:

— Издачисини бердингми, Аъзам? Пулингга эҳтиёт бўл!

Болакай ҳамон ҳайқиради.

— Келинглар! Гул олинглар. Гул!

... Бугун байрам. Қара, ҳаммаёқ байрам! Сен қачон байрам қиласан, болажон?! Ҳой, пул жонингни олгур хотин, айт, у қачон байрам қилади?"

Дарҳақиқат, бугун юртимиз бозорларини кезар экансиз, болалар қўлларида чалақда сув, чойнакда чой, турли газета, бехаё журналлар сотиб юрганига кўзингиз тушади. "Ҳа, тирикчилик қиляптида" дея хаёлдан кечириб, индамай ўтиб кетаверамиз.

Ҳориб, чарчаб бекатга етиб келасиз. Бу ерда сизни бир гуруҳ болалар қарши олишади. "Қаерга борасиз, амаки, мана, "Дамас", маршрутка, автобус, таксига ўтиринг ҳозир жўнайди". Қаёққа боришингизни айтсангиз, бас. Қўлингиздан юкни олиб, улов томон бошлайди. Жўнаш олдидан эса ҳайдовчи уларни "рози" қилади. Ва яна сафарингиз давомида, олдидаги хонтахтасига сигарет, писта, маккажўхори қаламчалари ва ҳар хил сақичларни ёйиб савдо қилаётган бола нигоҳингизни ўғирлайди. Йўл-йўлакай болаларнинг автоуловларни ювиётганларига гувоҳ бўласиз. Улар ҳам тирикчилик ташвишида...

Энди, келинг, кўрган-кечирганларимиз ҳақида би-ир мулоҳаза қилайлик. Бир қарашда булар кундалик одатимизга айланиб қолгандек: Бола меҳнат қиляпти, пул топяпти, натижада, ўзининг, қисман оиласининг ҳам эҳтиёжларини қондирмоқда. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Ахир, у ўғрилик, фирибгарлик қилмади, безориликни касб этмади-ку. Ҳалол меҳнат эвазига пул топяпти. Тўғри, лекин бизнинг мулоҳазамиз бироз бошқачароқ. Бу ёшдаги болалар ҳозир моддий эмас, балки кўпроқ маънавий дунёсини бойитадиган ёшда. Шу чоқда у арзимаган пул учун ўзининг қимматли умрини сарфласа, бунинг оқибати нималарга олиб келади?

Баъзи хорижий мамлакатларда болалар ўз "арава"сини ўзи тортишга мажбур. Лекин биз Европа ёхуд Америка эмасмиз-ку. Маъқул бўлган-бўлмаган нарсаларга кўр-кўрона тақлид қилаверсак, ўзбекона анъаналаримиз қаерда қолади?

Ҳозир кўчада, ишлаб пул топаётган, мактабда "сиртдан" ўқиётган, фикру хаёли пул топишда бўлган бола келажакда ким бўлиб етишиши мумкин?

Нега энди айрим ота-оналар ўз фарзандларининг келажаги тўғрисида ўйламайдилар? Назаримда, ҳар бир ота-она ҳам фарзандининг келажакда илмли инсон бўлишини ҳоҳлайди. Бироқ вақтида бир озгина эътиборни унутади. Шундай эмасми? Сиз нима дейсиз?

Беҳзод ШУКУРОВ, талаба

Эрик ФИХТЕЛИУС

ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЎН ҚОИДАСИ

(Давоми, боши ўтган сонларда)

Ҳар куни полициячилардан олган маълумотларимни ён дафтаримга ёзиб, шулар орасидан қаерда ўғрилик, бахтсиз воқеа ёки ёнғин юз бергани ҳақида қисқа ахборотларни тайёрлар эдим. Полициячилар ҳам маҳаллий ОАВ ходимлари ҳар куни нималарни сўрашга қараб, мухбирларни нималар қизиқтиришини яхши билиб олган эдилар.

Аммо, ҳар куни бир хил иш билан шуғулланаверсангиз ҳушёрликни йўқотиб, қизиқарли янгиликка эътибор бермай қўйишингиз мумкин. Берилиб, завқ-шавқ билан ишлайдиган журналистлар эса, ҳамма нарсаларни сўраб, суриштириб, охири қизиқ хабарни излаб топиб оладилар. Завқли мухбирлар ҳар куни полициячилар билан савол-жавоб қилишдан эринмайдилар. Агар журналист доимо бир хил тартиб қоидага кўр-кўрона амал қилаверса, қизиқ ва муҳим воқеаларга ҳам эътиборсиз қараб, ёзмасдан доғда қолиши мумкин. Мен ҳам ажойиб бир воқеани ёзмай, доғда қолганман.

Бир куни одатдагидек, полиция маҳкамасига қўнғироқ қилиб гаплашаётганимда, Нортэллдаги навбатчи шаҳарча четидаги учиш майдонига бир гуруҳ миршаблар, ўт ўчирувчи ва "тез ёрдам" машиналари билан етиб боришганини айтди. У айтишича, кичик бир спорт аэроплани ҳавода эканлигида шасси - қўниш ғилдираклари ишдан чиқиб, оғир аҳволга тушиб қўнолмай қолибди.

- Охири нима билан тугади? –деб сўрадим полициячидан.

Айтишича, учувчи бир амаллаб аэропланни қўндирибди. Аэроплан ҳавода айланар экан, йўловчилардан бири шток – узун темир таёқ билан шассини туширишга мувоффақ бўлибди. Полиция, тез ёрдам, ўт ўчириш машиналари қайтиб кетишибди.

- Қотиллик ёки жиноятлар ҳақида янгилик йўқми? – деб сўрадим одатдагидек.

Йўқ, ўша куни Нортэллда қотиллик ҳам, ўғрилик ҳам юз бермабди. Бугун ҳеч қандай қизиқ воқеа йўқ экан, деб, уйга қайтиб кетавердим. Лекин, йирик кундалик газета "Дагенс Нюхетер" мухбири бу воқеага қизиқиб, учиш майдонига тез бориб, ажойиб репортаж ёзиб чиқарди.

Ҳар куни полиция маҳкамасидан сўраб-суриштириб, янгиликларни олиш ахборотлар оқимининг асосий ирмоқларини ташкил этади. Бу манбани ирмоқ, жилға эмас, балки туби чуқур дарёга ўхшатиш мумкин.

Ахборот майдонини чегариб олиш

Маҳаллий газета ходими ёки халқаро мавзуда ишловчи мухбир ўзи хабар оладиган жойларнинг жуғрофий ҳудудларини чегариб, аниқлаб олгани яхши. Унинг майдони – бир шаҳарми ёки муниципал округми (туманми), мамлакатми, ҳатто қитъами? Чегараларнинг қандай аниқланиши ҳар бир редакциянинг қайси йўналишда, қай мазмунда чиқишига, сиёсат майдонига ҳам боғлиқ. Радио, телевидение, газета ўқувчилари, эҳтимолий реклама берувчилари қаерда яшайди, шунга ҳам боғлиқ. Аммо мухбирларнинг ўзи ҳам янгиликларнинг майдонини чегаралаб, аниқлаб олиши муҳимдир. Хорижий журналистлар бир-бирининг майдонига ўтмасликка ҳаракат қиладилар, агар бировнинг ҳудудига ўтиб қолсалар, ўртада низо чиқиши мумкин. Ҳатто, бутунлай бир қитъа (Осиё, Африка, Европа ва ҳ.к.) янгиликларини ёритувчи мухбир ҳам ўз газетаси редакциясидан ўша қитъага бирор репортёр келиб қолса, уни ўзи учун хавфли деб ҳисоблайди.

Журналист яна ўз мавзулари доирасини ҳам чегаралаб олгани яхши. Ҳар бир редакцияда ходимлар ўз мавзуларига ёки қизиқишларига қараб ишлайдилар.

Манбаларни топиш

Журналист ўзининг жўғрофий ҳудудларини ва мавзулар доирасини аниқлаб олгач, мана шу майдонларда қандай ахборот манбалари борлигини билиб олиши керак. Бу ерда жамият учун қизиқарли оғзаки ва ёзма ахборот манбалари ҳақида гап боради.

Ҳар бир газета, теле ёки радиостанция муҳаррири ўзи ишлаётган шаҳар, вилоят (ёки мамлакатда) кимлардан ишончли маълумотлар олиш мумкинлигини аниқлаб, билиб олиши керак. Полиция маҳкамаси, ўт ўчириш командаси, кўпчилик ташкилотлар ва муассасалар ахборот манбаларидир. Масалан, шаҳар ҳокимияти мажлиси, турли комитетлар (комиссиялар)нинг йиғилишлари қачон ва қаерда ўтади, уларда қандай масалалар муҳокама қилинади, қандай қарор қабул қилинди ва унинг сабабларини кимлар айтиб бера олади? Турли корхоналар, ташкилотлар ва уюшмаларда, суд, прокуратура идораларида, мактаблар, шифохоналар, болалар боғчаларида кимлардан янгиликларни сўраб олиш мумкин? Мухбирда шу саволларга жавоб бера оладиган одамларнинг рўйхати, адреслари, телефон рақамлари бўлиши керак. Янгилик олиш мумкин бўлган манбаларни яхши билган, улар билан яхши алоқа ўрнатган мухбир муваффақиятли ишлай олади.

Ёзма манбалар

Швецияда ОАВ мухбирларининг (баъзи истисноларидан ташқари) исталган жойдан ахборот олиш ҳуқуқи давлат Конституциясида кафолатланган. Мамлакатнинг Асосий Қонунида ахборот олиш-бериш эркинлиги, манбанинг номи (исталса) айтилмаслиги, фуқароларнинг расмий ҳужжатлар билан танишув эркинлиги (ошкоралик) ҳақидаги моддалар редакциялар учун доимо ахборотлар оқиб келишини таъминлайди. Швециядаги ҳукумат ва муниципал (ҳокимият) идораларининг барчасидаги ёзма (кирувчи ва чиқувчи) ҳужжатлар (хатлар, ҳисоботлар, протоколлар ва ҳ.к.лар) кенг жамоатчилик вакиллари учун очиқлиги ОАВ фаолиятининг асосий иш тамойилини белгилайди. Фақат журналистгина эмас, балки истаган фуқаро ўз номини ва нима учун қизиқаётганини айтмасдан ҳар қандай ташкилотга кириб, рўйхатдан ўтказилган хатлар ёки бошқа ҳужжатларни кўриш ҳуқуқига эгадир. Швецияда ошкоралик тамойили 1976 йилда Матбуот эркинлиги ҳақида Қонун билан мустаҳкамланган. Швециядаги бу Қонун нодир бўлиб, бошқа кўпчилик мамлакатларда учрамайди.

Ошкоралик тамойили ҳар бир шахс учун, жамоатчилик учун очиқ ҳисобланган ҳужжатлар билан танишувга имкон беради. Яширинлик ҳақида Қонунда кўзда тутилмаган, ҳар бир идора, муассасага юқоридан топширилган ёки ўша жойда тузилган ҳужжатлар билан таниша олади.

Аммо, Қонунда ёзилгани билан, журналистлар ёки бошқа фуқоролар ўзлари қизиққан ҳужжатларни идоралар, ташкилотлардан сўраб олишлари осон иш эмас. Швецияда бошқа жойларга нисбатан ошкоралик кенг йўлга қўйилган. Шунга қарамай, мухбир сўраган ҳужжатни бермаслик учун идоралар ва ташкилотлар турли баҳоналарни топадилар.

(Давоми бор)

Фарҳод РЎЗИЕВ ва Абдуқаюм ПАРДАЕВ таржимаси

КУЙЛАМАСЛИККА КЎНОЛМАЙМАН

«Turkiston» Қаҳвахонаси

Лола Аҳмедова. Тошкент Давлат консерваторияси талабаси. Санъат аталмиш азим дарёга бир жилға бўлиб қуйилаётганига қарамай, кўпчиликка танилиб қолган. У билан янада яқиндан танишиш сиз мухлислар учун қизиқарли, деб ўйладик.

-Лолахон, сиз санъат оламига эндигина кириб келаяпсиз, қийинчиликлар бўлмаяптими?

-Ота-онам, қариндошларим менга бу соҳанинг қиз бола учун, айниқса, қийинлигини кўп айтишади. Аммо куйламасликка кўнолмайман.

-Қўшиқ куйлашдан мақсадингиз нима?

-Қўшиқ куйлашни вазифам, деб биламан. Чунки Яратган овоз ва истеъдодни ҳаммага ҳам ато этмаган ва бекорга ато этмаган.

-Сизнингча, қўшиқнинг умрбоқий бўлишида кўпроқ куй муҳимми ёки сўзми?

-Аввал мусиқа, кейин сўз. Чунки сўзни маълум миллатга мансуб кишиларгина тушунса, яхши куйнинг сеҳри, миллати ва ёшидан қатъий назар, ҳаммани мафтун этади. Шунингдек, овознинг ҳам аҳамияти бор. Умрибоқий қўшиқ яратиш учун буларнинг ҳаммаси бўлиши керак, деб ўйлайман.

Бунинг учун санъаткор кўпроқ қўшиқ тинглаши керак. Эстрада билан бирга мақомни ҳам ўрганса, янада маъқул. Мақомни билмай туриб санъаткор бўлиш ярашмайди. Мабодо бўлганда ҳам, у қўшиқчи узоққа бормайди.



-Нега ўзингиз анъанавий ижрочилик факультетида ўқисангиз ҳам мақом йўналишида куйламайсиз?

— Ҳозирча, ёш бўлганим учун эстрадада куйлашни ўзимга муносиб кўрдим. Кейинчалик, албатта, мақом ижро этиш ниятим бор.

— Ёшлик бебаҳо дейдилар. Унинг бебаҳолиги нимада?

— Бебаҳолиги шундаки, ёшлик айни кучга тўлган пайтимиз, олдимизда имкониятлар кўп. Истаганча ўқиш, изланиш, танлаш мумкин.

Ўйлайманки, бугун тенгдошларим имкониятларидан етарлича фойдаланяптилар.

— Ижодкор ёшларнинг бошқа тенгдошларидан фарқли жиҳатлари борми?

— Ўзимдан қиёс қилиб айтадиган бўлсам, тенгдошларимга нисбатан хаёлпарастроқман. Қаерда бўлмай, қандай ишга қўл урмай, ҳамиша қўшиқ билан бирга яшайман.

— Яқинда ҳижрон туйғуси акс этган "Ёлғон сўзлаб" номли қўшиғингизни тингладик. Сўрамоқчи бўлганим: шоир шеъри кўнглининг акси бўлгани каби қўшиқчининг қўшиқлари ҳам ўзига ўхшайдими?

— Нимага шаъма қилаётганингизни тушундим. Устоз санъаткорларимизда қандай кечади билмадиму, мен кўпинча ўзгалар дардини ҳис қилиб қўшиқ яратаман ("Ёлғон сўзлаб" ана шундай қўшиқларимдан бири). Гўзалликдан ҳам илҳом оламан.

— Дарвоқе, устозларингиз тўғрисида..?

— Устозим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулшод Отабоева. У киши менга саҳнада ўзимни тутиш, рақсга тушиб қўшиқ айтиш, актёрлик маҳорати, хуллас санъат сирларини ўргатганлар. Консерваторияда эса домлаларим Рифатилла Қосимов, Саодат Қобулова, Маҳфуза Каримова, Қувондиқ Искандаровлар дарс беряптилар. Улар менга ишонадилар ва мен ҳам уларнинг ишончларини оқлашга ҳаракат қиляпман.

— Айни кунларда нималар билан машғулсиз?

— Шу йил илк альбомимни тайёрлаш ниятим бор. Айни кунларда "Гал ёнима", "Ватаним" каби қўшиқлар устида ишлаяпман. "Насри баёт" ва "Эшбой" мумтоз қўшиқларини ижро этмоқчиман.

— Суҳбатимиз сўнгида энг катта орзуингиз ва ўзингиз каби ижодкор ёшларга тилакларингиз?

— Энг катта орзуим аввало яхши инсон, кейин халқнинг эътиборидаги санъаткор бўлиш. Ижодкор дўстларимга эса каттакатта ютуқлар ва ютуқларига яраша камтарлик тилайман.

«Turkiston» мухбири Ойдин Йўлдошева суҳбатлашди

«ГИДРОМЕТХИЗМАТ» РАҲБАРЛАРИ УЧРАШУВИ

Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон мамлакатлари гидрометеорология хизмати раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. У "Орол денгизи ҳавзасидаги атроф-муҳит ва сув заҳираларини бошқариш" лойиҳасидаги "Трансҳудудий сувлар мониторинги Д компоненти"ни амалга оширилишинг тезлатилиши ва мазкур ҳудуддаги гидрометеорологик аҳволни яхшилаш муаммоларига бағишланди.

Учрашувда "Трансҳудудий сувлар мониторинги Д компоненти"нинг амалга оширилиши тўғрисида меморандум ва Миллий гидрометмарказлар ўртасида фазовий маълумотларни алмашиш ҳақида келишув лойиҳаси имзоланди.

Учрашувда Гидрометхизмат раҳбарларидан ташқари, Бутунжаҳон Банки ҳисобидан молиялаштирилган умуминсоний атроф-муҳит фонди (А.Крутов), Халқаро ривожланиш бўйича Америка агентлиги — ЮСАИД (А. Калашников), Марказий Осиёда табиий заҳираларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича ЮСАИД, Орол денгизи бўйича Швейцария миссияси (А.Шульц)дан вакиллар иштирок этишди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ

ОЛТИН ДАВР ОВОЗИ

ТИЛАК

Улуғ аллома, бобомиз Алишер Навоий ёшликни умр фаслининг навбаҳори, деганларида катта ҳикмат бор. Баҳорда ҳатто тошларда ҳам кўкаришга, гўзаллик кашф этишга интилиш бордек кўринади, бу оламда неки бўлса, ҳаммасида ўзини безашга чоғланиш ҳозир бўлади. Ёшликдаги адабиётга, санъатга интилиш ҳам борлиқнинг баҳордаги ҳолатидай гап. Лекин бор ҳақиқат шуки, яхши уруғ яхши тупроққа тушиб, яхши парвариш қилинсагина келажаги самарали бўлади. Зотан, инсон фарзандининг табиатида Яратганнинг улуғ неъмати — ижод қила олиш қобилияти бўлиб, у тарбият топса ўз камолига етади, ҳақиқий истеъдодга айланади.

Қарши Давлат университетида ёшлар ижодини тўплаб, бундай йиллик нашр таъсис этилиши иқтидорли ёшларни тарбиялаш йўлидаги ибратли иш деб биламан. Мен Республика Ёзувчилар уюшмаси раҳбари сифатида ҳам бу ҳаракатни маъқуллайман. Бу тўпламга шеър ва ҳикоялари босилаётган ёшлар орасида келажакда катта истеъдод эгалари етишиб чиқишига умид қиламан.

Ҳур, озод юртимизнинг янги авлоди ижод йўлига илк қадамларини қўяр экан, улар, аввало, Ватанимизнинг содиқ, фидойи фарзандлари, доно Юртбошимиз ғоялари тантанаси учун толмас курашчилар, Ҳақ сўзнинг ҳақиқий жарчилари, санъатнинг чин соҳиблари бўлишларини истайман. Қолаверса, қадимий Насафнинг сўнмас руҳи бу заминнинг навқирон авлоди ижодида барқ уриб туришини тилайман.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

ВАТАН

Билсанг минг йиллик фарёд ичидан
Сапчиб чиқаётган нурли оташман.
Хору зор юрса ҳам ватанни деган,
Ул фидо юракка мен ҳам туташман.

Қанча оҳлар ўтди, қалбинг қақшатган,
Зору-нолинг унсиз кўкка туташиб,
Ана шу хасратлар тиниқ кўзгусин,
Келсанг, кўрсатгайман кўксимни очиб.

Қийноқлар занжири узилиб чил-чил,
Мана таскин топди, бемор вужудим,
Ватан, тупроғинга бошимни қўйиб,
Озод диёр узра кезар ғурурим.

Али ЭРГАШЕВ

ЁЛҒОНМИКИН БУ СЕВГИ

Билдирмайин ташлайман нигоҳ,
Боқармисан дея бир бора,
Лек кўзларинг қочади мендан,
Юрагимни этиб минг пора.

Балки севгинг шунчаки эртак,
Қаҳрамони эса мен бўлдим.
Тўқиганинг бари бир чўпчак,
Эшитиб мен алданиб қолдим.

Хуршида ШАРИФ қизи

* * *

Мўъжаз ҳовли эди, айвонда сўри,
Офтоб куйдирарди, оламни тамом.
Нуқтага термулиб бир дунё бўлиб,
Хаёл дарёсига шўнғирди момом.

Оппоқ, сочларини тўзғитса еллар
Қуёш нурлари-ла тараб қўярди.
Бундан алами келгандай гўё
Гоҳида булут ҳам қовоқ уярди.

Сочлар толасига қўнган ғам юки
Залворли, гоҳида узилар дор ҳам.
Шу ғамлар остида қулади норлар,
Ҳатто қилт этмади, кутарди момом.

Тўлин ой юзига доғ бўлиб ғўё,
Манглайда балқиди, минг нурли чизиқ.
Барчаси бир ҳаёт, барчаси тарих,
Ўтмишидан ҳикоя суйларди қизиқ...

Шавкат АМИНОВ

* * *

Сени севиб хуб адашган юрагимга
Аламларнинг заҳ тиканин босдим бу кун.
Ҳижрон деган дор қурилди йўлларимга,
Бу дорларга умидларим осдим бу кун.

Ишқ йўлида тентираган бу қалбимни
Қўлинг етмас олисларга отдим бу кун.
Сендан қолган ширин орзу хотирани
Арзон-арзон қувончларга сотдим бу кун.

Сендан айри тушган ўша машъум кунни
Шум тақдирнинг шум ҳукмига йўйдим бу кун.
Сўнги илинж бўлган умиднинг учқунин
Муз юракнинг туб-тубига кўмдим бу кун.

Тош ёғилган зада қалбим кенглигига
Сабр отли ниҳолларни экдим бу кун.
Мендан олис кетган азиз муҳаббатнинг
Йўлларига яна кўзим тикдим бу кун.

БАҲОР

Ғолибларча от суриб шамол
Қувар қишнинг лашкарларини.
Тепаликлар оғир хўрсиниб
Ечарлар оқ дасторларини.

Кекса тоғлар алла-ла йиғлар,
Ёшлар оқар жилғалар бўлиб.
Кўринади яшил чечаклар
Бекинишга қолган улгуриб.

Нимталанган ернинг бағрига
Яшил капалаклар қўнади.
Жилғаларнинг маккор сеҳрига
Қизғалдоқлар алвон тўнади.

Шуҳрат ХЎЖАЕВ

* * *

Юрак тўлғанади танни ёргудек,
Жисмимдан жон чиқар видолашиб сўнг.
Сукунат инграйди, йиғлайман хўнг-хўнг,
Қайғу ҳасратим —
Ёлғиз менга армон бўлма ёлғизим.

Изғирин устимдан кулар чимчилаб,
Очиқ кўксимга дўл аёзин санчар.
Чақмоқ гуноҳларим савар гуриллаб,
Шу хасис жазога маҳкум мен қайсар.
Ёлғиз менга армон бўлма ёлғизим.

Алдама, ишончдан эртак сўйлама,
Буямоқ кўксимни сўкма чокидан.
Асло армонимга орзу бўйлама,
Мен бахт ясайдурман унинг хокидан
Ёлғиз менга армон бўлма ёлғизим.

Лобар ТУРСУНОВА

"АЖОЙИБ" ЖАРРОҲЛИК

(Ҳазил)

Ҳайвонот боғида фил
Қаттиқ касал бўлибди.
Уни даволамоққа
Шифокорлар келибди.

Иш бошлабди жарроҳлар,
Ёриб филнинг қорнини.
Дардини даволагач,
Сўнг тикибди ўрнини.

Ҳайрият фил ичида
Қолмади ҳеч нимаси.
Турар эди, қайчи, ип
Қолмаганди игнаси.

"Ҳамма иш жойида" — деб,
Чуқур нафас олишди.
Ип, игна, қайчисини,
Сумкасига солишди.

Жам бўлишди жарроҳлар,
Ишдан кўнгли тўқ эди.
Афсуски орасида
Ҳамшира қиз йўқ эди.

Асқар ХЎЖАМҚУЛОВ

Хусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар

ТАНЛОВДА ИСТЕЪДОДЛАР АНИҚЛАНДИ

Бухоро вилоятидаги Ибн Сино номидаги универсал кутубхонанинг ўсмирларга хизмат кўрсатиш бўлими томонидан тайёрланган "Фуқаролик жамияти мактаби" дастур — лойиҳаси АҚШнинг "Каунтерпарт Консорциум" фонди грантига сазовор бўлди.

Мазкур маскан жамоаси ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида яқинда ўтказилган "Менинг мактабдаги ҳаётим" мавзуидаги расмлар кўрик-танлови ҳам ижобий ишлар натижасидир.

Аслида истеъдодсиз бола бўлмайди. Ундаги қобилиятни юзага чиқариш учун озгина қунт ва эътибор керак, холос. Кутубхона залида шаҳримиз мактаб ўқувчилари томонидан чизилган суратлар кўргазмасини томоша қилаётиб, болаларнинг ижодий хаёлот олами ғоят кенглигига, уларнинг дунёқараши ўзига хос эканлигига гувоҳ бўласан киши.

Тўғри, бу суратлар ҳали ҳақиқий санъат намунаси даражасида эмас. Мактаб партасида ўтирган болага бундай юксак талабни қўя олмаймиз ҳам. Аммо тасвирий санъат сари элтадиган йўл худди ана шундай танловлар, кўргазмалардан бошланади.

Болалар чизган суратларни синчковлик билан кузатиб чиққан ҳакамлар ҳайъати ёш истеъдод эгаларининг интилишларидан хурсанд эканликларини баён этган ҳолда, баъзи ўқувчиларнинг мавзу доирасидан четга чиқишганини ҳам эслатишди.

Хуллас, ҳайъат хулосасига кўра, мактаб ҳаётини ўзига хос йўсинда тасвирлаб, бўёқлардан ўринли фойдаланган 30-мактаб ўқувчиси Мансур Муродов кўрик-танлов ғолиби, деб топилди.

Ш. АСЛОНОВ

MASLAHAT

ТВОРОГЛИ ПИРОГ

Хамирига:
2 стакан ун, 1/3 стакан шакар, 180гр. маргарин, 3 та тухум сариғи, 2 ош қошиқ сметана, туз.

Ичига:
1кг. творог, 1 стакан шакар, 3 ош қошиқ сметана, 4 ош қошиқ ун, 1пиёла кишмиш, 3та тухум оқи, ванилин, лимон цедраси.

Хамир қорилади ва иккига бўлинади. Бири ёйилиб ёғланган қолипга солинади. Устига творогли масаллиқ солинади, юпқа қилиб ёйилган иккинчи хамир билан усти ёпилади ва четлари ёпиштирилади. Хамир устига сметана суртилиб вилка билан бир неча жойи тешилади. Пирогни қиздирилган газ духовкасига солиб аввал ўрта оловда, кейин паст оловда 35-40 дақиқа давомида пишириб олинади. Совуган пирогни кесиб, устига шакар упаси сепилади.

Творогли масаллиқни тайёрлаш учун, творог шакар билан эзғиланади, унга ванилин, лимон цедраси, сметана, ун ва кишмиш қўшилади. Охирида яхшилаб кўпиртирилган тухум оқи аралаштирилади.

НИЛУФАР

АҲД

Бугун қалбимизда чексиз ҳаяжон билан олий даргоҳни битириш арафасида турибмиз. Олий маълумот эгаси бўлаётганимдан, катта ҳаётга қадам қўйиб, Ватанимга жон дилдан хизмат қилишга чоғланаётганимдан бахтиёрман. Талабаликда ўтган беғубор дамларимни ҳеч қачон унутмайман. Мустақил Ўзбекистонимизни янада гуллаб яшнатиш биз ёшларга боғлиқ экан, биз бунга бор қучимиз билан киришамиз. Бунинг учун бизга кенг имкониятлар яратиб берилди. Ҳар биримиз шу имкониятлардан фойдаланолсак бас. Қалбимда ёнган ғайрату шижоатни пайдо бўлишида ўз хизматлари, билим ва маҳоратларини аямаган барча устозларим олдида таъзимдаман. Азиз устозларим, сизнинг машаққатли меҳнатингиз, бизнинг илмли, комил инсон бўлишимиз учун чеккан заҳматларингиз зое кетмайди.

Барно УЗОҚОВА,
Самарқанд Давлат университети талабаси

ТАЛАБАНИНГ УЙДАН ҚАЙТИШИ

Қишлоғимни соғинаман. Соат кунларга, дақиқа соатларга айланади. Ҳамқишлоқларим палончининг Тошкентда ўқийдиган қизи таътилга келибди, деб менга ҳавас билан қарашади. Мен эса етти ёшдан етмиш ёшгача салом бериб, бирдек сўрашаман. Ахир, саломим "сустроқ" чиқиб қолса, уларнинг назарида димоғдор бўлиб қолишдан қочаман-да. Кўзларда қалқиб турган меҳрга тўймасдан яна пойтахтга кетишга тўғри келиб қолади. Ётоқни, курсдош дўстларимни ҳам жуда қўмайсайман. Бироқ, сумкаларни кўтариб йўлга тушар эканман, барибир қишлоғимиз бошқача-да, деган фикр миямни тирнайверади. Атрофга қарайман. Ҳаммасини кўзимга жойлаб олгим келади.

Бир сафар шоҳбекатга борсам, шаррос ёмғир ёғаётган экан. Автобуслар орасидан Денов-Тошкентни қидира бошладим. Аммо, автобусга билет аллақачон тугаган экан. Одам кўп, автобус йўқ.Шоҳбекат бошлиғи билан тортишганлар талайгина. Кўпгина можаролардан сўнг, йўловчилар бир автобусни топиб, анча ялинишлар билан ҳайдовчини кўндиришди ва ниҳоят йўлга чиқдик. Сурхондарёдан чиқмасимизданоқ қор ёға бошлади. Бахтга қарши автобуснинг иситгичи йўқ экан. Совуқдан музлай бошладик. Бу ҳам етмагандек, бошимиздан чакки томарди. Қорда тўхтаб қолган автобуснинг ичидаги ҳароратни тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак. Тўхтаб-тўхтаб юраётган автобус тонгда зўрға Самарқанд автовокзалига етиб келди. Буёғига ярамайди, дея ҳайдовчимиз йўловчиларни автобусдан тушириб юборди.

Навбатдаги автобусда яна Тошкент қайдасан, дея йўлга тушдик. Йўловчиларнинг кўпчилиги талабалар бўлиб, ҳаммаси эртаси куни дарсга боришини кўзлаб йўлга чиққанлар. Автобус юра бошлади, хайрият бу автобуснинг иситкичи бор экан, анча исиб қолдик. Аммо, оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деганларидек автобус бироз тўхтаса ҳам бузилиб қолмабдимикин, дея хавотирланамиз. Ҳайдовчилар эса ҳар бекатда тўхтаб одам олиш ва одам тушириш билан овора. Ўриндиқлар банд, йўл юриб безор бўлган йўловчиларнинг тинчини бузиб, қаққайиб турувчилар сони эса камаймайди.

... Ва ниҳоят, "мўъжиза"... 25 соатда Тошкентга етиб келдик. Оёқларим, қулоқларим ўзимга бўйсунмайди. Таксичининг айтган нархини ўйлаб ҳам кўрганим йўқ. Сумкаларимни туширяётганда эса чин дилдан унга миннатдорчилигимни билдирдиму, ётоқхона томон югурдим.

Мавжуда ЖЎРАЕВА,
талаба

Бухгалтерский баланс ОАО «ОНИКС» за 2001 год.

Наименование статей баланса	Актив	Пассив
Основные средства	752498	
Капитальные вложения	76	
Долгосрочные инвестиции	486458	
Производственные запасы	113475	
Незавершенное производство	40813	
Готовая продукция	60401	
Денежные средства	1426	
Валютные средства	13084	
Расчеты с покупателями и заказчиками	68558	
Авансовые платежи	24339	
Расчеты с бюджетом	9983	
Расчеты с учредителями	8029	
Прочие дебиторы (кредиторы)	6103	
Уставное фонд		102300
Резервный капитал		1154574
Нераспределенная прибыль		78762
Целевые поступления и фонды		14998
Авансы, полученные от покупателей		167253
Другие обязательства		67356
БАЛАНС	1585243	1585243

Финансовые показатели ОАО «ОНИКС»

Показатели	За соответствующий период прошлого года		За отчетный период	
	Доходы	Расходы	Доходы	Расходы
Общий финансовый результат до уплаты налогов	42422		755823	
Налог и прибыль		53604		91810
Прочие налоги и отчисления		540		8646
Чистая прибыль	11722		75367	

Данные проверены и подтверждены независимой аудиторской фирмой "AUDIT-ShERIK" (лицензия Минфина Руз, серия АФ № 00094).

СКАНВОРД



Тузувчи:Р. СУЛАЙМОНОВ

SIRDOSH

Мен шамолга ўхшайман

СЕВДИМ-У, АНҒЛОЛМАДИМ

Машиналарнинг узундан-узун сигналлари юрагимга ўқдай санчилиб, азоблана бошладим. Ҳамма келин келди, дея кўчага югуришмоқда. Ёлғиз менгина бунга журъат этолмай бошимни қуйи солганча кўзларимга ёш олмоқдаман. Нега энди оқ либосда ўтирган Назиранинг ёнида мен эмас, ишонган, йўқ-йўқ, мени ундан тортиб олган ўртоғим Ҳусан ўтирибди? Ахир, ҳақиқий дўст деганлари дўсти учун ҳаётнинг барча синовларига дош бериши зарур эмасмикан. Тўғри, мен Ҳусанга Назирани севмаслигимни, уни шунчаки эрмак қилиб юрганлигимни айтиб мақтанар эдим. Бу гапим унга қаттиқ таъсир қилганидан эса ҳайратланардим. Шунда жаҳл устида "бор бўлмаса унга уйлан", деб юборганим ҳам кечагидай ёдимда. Назира-чи, унинг муҳаббати қаерда қолди? Унинг севгисига, менинг эса вафоимга нима бўлди? Йўқ, барибир айб ўзимда экан. Ахир, бир гулнинг юзидан бўса олиб, яна бошқасига шошилаётган ўйноқи шамол вафо нималигини қаердан билсин. Мен эса ана шу шамолга ўхшайман. Назиранинг муҳаббат ниҳоли эса менинг меҳр боғимдаги булоғимдан сув ичиб камол топиши керак эди. Мен-чи? Бу ниҳолимга биргина сувчи бўлишни ҳам эплай олмадим. Демак, ҳаёт кўзгусига назар ташлаб, ундаги тасвирдан ўпкаламасам ҳам бўлар экан.

Рустам СУЛАЙМОНОВ,
талаба

Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан Алиев Нодир Нигманович номига берилган чакана савдо билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи № 519282 рақамли тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Асамова Хуршида Раҳимжоновна номига 1993 йил 31 мартда берилган № 09-01/5342 рақамли уй ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Turkiston
МУАССИС: «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ
Газета Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитасида № 00012 рақам билан рўйхатдан ўтган.
Босишга топшириш вақти-21.00
Топширилди 21.00
1 2 3 4 5 6
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

Бош муҳаррир: Салим АШУРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖЎРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Ислом ҲАМРО, Ғайрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдурани ЖУМАЕВ

Вилоят мухбирлари:
Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича — Термизда: 8-37-622 —3-53-88
Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича — Бухорода: 8-36-52 — 23-37-44
Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича — Гулистонда: 8-36-72 — 24-02-86
Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича — Фарғонада: 8-37-32 — 24-54-61
Самарқанд вилояти бўйича —Самарқандда: 8-36-62 —34-43-89
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича — Урганчда: 8-362-22 — 7-45-
Наманган вилояти бўйича — Наманганда: 8-36-922 — 6-10-70

Манзилимиз: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: 133-95-97, Реклама бўлими: (3712) 133-79-69
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
Навбатчи муҳаррир: Зиёда АШУРОВА
Саҳифаловчи: Нодирбек ОРТИҚОВ